

(Ассалом, мухаббат... хайр, мухаббат...)

Мухаббат одам танламайди. У керак бўлса, дунёни эгаллаш ниятидаги Наполеон Бонапарт бўлган такдирда ҳам, унга ўз хукмини ўтказаверади. Мана, кўринг, у 26 ёшда эди, Франциянинг жанубидаги Тулон шаҳрида аксилкилобий кўзголонга 7 минг кишилик республикачилар армияси бас келолмаган бир пайтда резерв колоннасига етиб келиб галабани таъминлаган ва генерал унвонини олган, Париж гарнизонининг кўмондони этиб тайинланган бир чогида шаҳар айланиб юраркан, бир гўзални кўрди-ю, севиб колди. Ким экан десангиз, яқинда катл этилган яқобинчи, генерал, граф Богарненинг беваси экан; исми Жозефина... Тагин, денг, ундан олти ёш катта... Жозефинанинг хаётида ишқий саргузаштлар олдин ҳам бўлган эди, шунинг учун унда жуда жўшқин туйгулар жўш уриб кетганди деб бўлмайди, лекин хар калай рад жавоби ҳам бермади. Тўсатдан бостириб келган жўшқин эхтирос уни эсанкиратди. Бонапарт тезликда тўй ўтказишни ва ўзига хотин бўлишни талаб киларди. Бир хафтага колмай шундай бўлди ҳам... 1796 йил 9 мартда тўйлари бўлди. Аммо Бонапарт шундай одам эдики, хис-туйгуларни кўп ўйламас, калб амрларига узундан-узок берилавермасди. Икки кунгина Жозефина билан маза килиб яшади, 11 мартда эса у билан хайрлашиб, урушга кетди. Жабхадан хатлар ёзарди.

НАПОЛЕОН — ЖОЗЕФИНАГА

1796 йил, 3 апрель

Менинг тенги йўк Жозефинам, сендан йирокларда бутун дунё менга якка колган кимсасиз сахро бўлиб кўринади. Ўйлаганим сен, факат сен: инсон деган зерикарли махлуклар жонимга тегиб кетганда хаётни лаънатлагим келади – Шунда ўз-ўзидан кўлимни юрагимга кўяман, чунки юрагимда сенинг сувратинг бор: унга карайман, мухаббат мен учун тўла-тўқис бахтдир... Кандай жодулар иблан мендай бир одамн ўзингга каратиб олдинг? Жозефина учун яшамок! Мана менинг хаётимнинг турган битгани...

Мухаббат завқини билмай ўлиш – дунёда ному нишон колдирмай йўк бўлиб кетишнинг нак ўзгинасидир ва бу дўзах азобиданг ҳам огиррок. Менинг бирдан-бир севгилим, модомики такдир бизга огир хаёт йўлини бирга босишни раво кўрган экан, шундай килайлик, чунки сенинг калбинг меники бўлмаган куни менга дунённинг жозибаси ҳам, кизиги ҳам колмайди.

1796, 17 июль

Севимли жуфти халолим, хозиргина сенниг хатингни олдим, юрагим кувончга тўлиб кетди. Ўзинг тўгрингда берган батафсил хабарларинг учун чексиз мингнатдорман. Соглигинг энди яхшиланган кўринади: тузалиб қолибсан, шекилли. Сенга кўпрок от миниб юришни маслахат киламан, бу – сенга жуда фойдали бўлиши керак. Сен билан хайрлашиб кетганимдан бери кўнглим коронгу: ҳеч маъюсликдан кутулолмайман. Сенинг ёнингда бўлсамгина бахтли эканман. Тинмай сенинг ўпичларинг, кўзёшларинг, жозибали рашкларингни ўйлайман. Гўзал Жозефинанинг бекиёс кадди-комати ҳамон сўнмаган юрагимни ва аклу хушумни узлуксиз ишк оташида куйдиради. Эҳ, қачон барча бу ташвишлар, бахаловат ишлардан кутуламан-у, умримнинг барча дакикаларини сен билан бирга ўтказаман: қачон фақат сени севиш, бахтни ўйлашга вақтим келади: сенга шу ҳақда сўйлаб, севишимни исботлаб ўтираман? Сенга отингни юборяпман – тез орада олдимга келиб қоларсан деган умиддаман. Яқингинада мен сени астойдил севаман, деб ўйлагандим, аммо сени янги кўрганимдан буён ўйлаганимдан минг бора ортиқроқ севишимни ҳис қилдим. Сени кўпроқ билганим сайин, севгим кучайиб бормокда. Менинг бу холим, «Ла-Брюэрнинг «севги бирдан ўт олиб, бирдан ўчади» деган фикри нотўғри эканини кўрсатади. Табиатда ҳар нарса ўсиб борар экан ва ўсиш даражаси ҳар хил бўлар экан. Эҳ, сендан ўтиниб сўрайман: менга ўз камчиликларингни кўрсат! Бунчалик гўзал, бунчалик хушмуомала, нафи ва яхши бўлма! Мени ҳеч кимдан ҳеч қачон қизганма ва йиглама: сенинг кўз ёшларинг аклу хушимни олиб куйдиради мени. Инон, энди менда сенга тааллуқли бўлмаган бирон фикр, бирон тасаввурнинг ўзи йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Тузал, дам ол, тезроқ соглигингни тикла. Олдимга кел, ҳеч бўлмаганда, ажам келмасдан бурун: «Шукр, бахтли кунларимиз кўп бўлди!» дея олайлик. Ёвуз бўлишига карамай, ҳатто Фортунангга ҳам (Жозефинанинг ити) миллион ўпичлар йўлламан.

1796 йил, 4 август

Сендан шу қадар олисдаманки! Атрофим тим коронгу! Бу – эртага биз тўпларимизнинг даҳшатли гумбур-гумбури билан душманни кутиб олиб, коронгуликни ёритиб юборгунча давом этади.

Жозефина! Сен йигладинг... Биз хайрлашиб ажралишаётганимизда сен йигладинг! Шуни ўйлаганимнинг ўзидаёқ ичимда ҳамма нарса қалтираб кетади! Аммо хотиржам бўл ва юпан: Вурмзер (Австрия генералфельдмаршали, эртаси қуни Кастильон остонасида тор-мор қилинган) бу кўзёшларинг учун баланд нарх билан тўлов беради!

Калдиеро, 1796 йил, 13 ноябрь

Мен сени ортиқ севмайман... Аксинча – ёмон кўраман. Сен – ярамас, тентак, бемаъни хотин экансан. Менга бутунлай хат ёзмай қўйдинг, сен эрингни севмайсан. Хатларинг мени қандай қувонтиришини била туриб, менга, ҳатто беш-олти енгил-елпи сатр ҳам ёзолмайсан.

Лекин қун бўйи нима иш қиладилар, хоним афандим? Қандок муҳим юмушлар вақтларини оляпти? Севимли эрига хат ёзишга ҳалал бераётган нима? Нозик ва собит севгилари билан мактанардилар, буни исботлашга нима тўскинлик қилаётир? Ким экан ул сизни йўлдан оздирувчи, сизнинг вақтингизни олишга даъвогар янги махбуб? Жуфту ҳалол

эрингиз билан машгул бўлишга халакит бераётган олий зот? Эҳтиёт бўлинг, Жозефина, йўкса ажойиб тунларнинг бирида эшикларингиз синдирилади ва каршиларида мен пайдо бўламан.

Хакикатан ҳам, азизам, сендан хат-хабар келмаётгани мени хавотирга солаётир. Менга дархол тўрт сахифани тўлат, факат хатинг ёкимли нарсалар тўгрисида бўлсин ва юрагимни кувонч билан тўлдирсин ва ийдирсин.

Тез орада сени кучогимга олиб, экваторнинг нурларидай куйдирувчи миллион ўпичлар билан кўмиб ташлайман.

Бонапартнинг бутун фикри-ёди аслида Францияга кўз тикиб турган Англич, Австрия, Россия коалициясини тор-мор қилишда эди. Севикли хотини Жозефина билан доим ҳам кўришиб туролмасди. Шунинг учун кўпдан-кўп бошка кизлар ва аёлларни яхши кўриб қолган пайтлари ҳам бўларди.

1805 йили унинг кўшинлари Берлиндан шаркка қараб юриш бошлаётганда, Наполеоннинг Потсдамдаги қарорго хига кетма-кет вакиллари кела бошлади. 1770-90 йилларда Пруссия, Австрия, Россия Польшани учга бўлиб олиб, Польша хокимиятига барҳам бергандилар. Энди Наполеон хузурига келган поляк вакиллари мустақил Польша давлатини қайта тиклашга ёрдам беришини сўраётгандилар. 1806 йилнинг охирида Наполеон кўшинлари Варшавага кирди. Поляк дворянлари, савдогар ва хунарманд ахллари уни катта кувонч билан кутиб олдилар. 1807 йилнинг бошида Польша масаласини хал қилишга киришди. Айнан шу кезларда графиня Мария Валевскаяни яхши кўриб қолди ва унга жўшқин хатлар ёзди.

НАПОЛЕОН — МАРИЯ ВАЛЕВСКАЯГА

Январь 1807 й.

Шундай пайтлар бўладики, юксак мартаба одамни эзиб ташлайди, мен хозир шундай холни бошдан кечиряпман. Сизнинг оёқларингизга учиб кетгисикелаётган юрак интилишларини қандай тинчитай, энг кизгин истакларни ҳам бўғиб ташлайдиган огирдан-огир «олий» андишалар одамни тизгинда ушлаб туради... Ох! Факат сиз истасайдингиз! Сиз – факат сиз – бизни ажратиб турган тўсикларни йўқ қила оласиз. Менинг дўстим Дюрок буни амалга оширишда Сизга ёрдамлашади.

О, келинг, менинг олдимга келинг. Сизнинг ҳамма истакларингиз амалга ошади. Менниг шўрлик юрагимга шафқат қилган захотингиз, Сизнинг ватанингиз мен учун азиз бўлиб қолади.

Биринчи кўришувдан кейинги кун, 1807 й.

Мария, ширин, асал Мария, биринчи хаёлим – сен, биринчи истагим – яна сени кўриш. Сен яна олдимга келасан-а, тўгрими? Сен менга келаман деб ваъда бердинг. Агар келмай қолсанг – Бургутнинг ўзи сени олиб келгани учиб боради. Сени дастурхон устида кўраман, ваъда шундай бўлган. Манави дастанни (кимматбаҳо тақинчоклар дастаси) лутфан қабул қил, бу – одамзод ур-йикитлари аро бизнинг мухаббатимиз белгиси ва яширин алоқаларимизнинг далили бўлиб қолсин. Бутун оломоннинг кўз ўнгида биз

бир-биримизни англаймиз. Мен кўлим билан юрагимни чангаллаганимда, мен бутун борлигим билан сенга интилаётганимни тушунасан, бунга жавобан сен ўзингга юборилган дагани багрингга босасан. Мени сев, жозибали Марияжоним, илохо сенинг кўлланинг бу дастадан ҳеч қачон узилмасин.

Мария Валевская унинг йўл устидаги севгиси эди, лекин асосий мухаббати барибир Жозефина эди. Улар турли хижронлар, кўришувлар, ажрашувлар аро 13 йил бирга севишиб яшадилар. Фақат тақдир уларга фарзанд ато қилмади. Холбуки, бу вақт ичида Наполеон Бонапарт неча-неча жангу жанжалларда енгиб чиққан, оламшумул шухрат қозонган, энди Франциянинг императори эди. Тахт учун эса бир ворис керак эди. Буни Наполеондан бутун сарой ахли талаб қилаётган эди, яъни у Жозефина билан расман ажрашиши ва бошқа хотин олиши керак эди.

«Сиёсатчида юрак йўк, фақат қалла бўлади» деди Наполеон аёлига. 1809 йилнинг ноябрида расман ажрашишга тайёргарлик кўра бошладилар. Эр ҳамон хотинини севар, улар кунлар бўйи бир-бирларидан ажрашмасдилар. 15 декабрда империянинг барча олий мансабдорлари ҳузурида ажрашув баённомасига имзолар чекилди. Улар ажрашдилар, лекин Наполеон бундан кейин ҳам ҳар қуни унга, Мальмэзонга (Жозефинага совга қилинган саройга) энг меҳрли, мухаббат билан тўла хатлар ёзиб турди. Жозефина ҳам жавоб ёзиб турди.

Амалдорларнинг бир қисми россиялик малика Анна Павловнага уйлан деса, иккинчи қисми Австрия императори Франц I нинг кизи Мария-Луизага уйлан, дер эди. Дастлаб Россияга совчи юборишди, аммо кизнинг онасидан, хали кизимиз ёш. Энди 16 га кирди, бир-икки йил кутсангиз берамиз, деган жавоб келди. Шундан кейин Наполеон Мария-Луизага уйланадиган бўлди. 10 апрелда тўйлари бўлди. Шу кезларда Жозефинадан бир хат келди.

ЖОЗЕФИНА – НАПОЛЕОНГА

Наварра, 19 апрель 1810 й. Давлатпанох!

Ўғлим Сиз Ҳазрати Олийлари менинг Мальмэзон қасрига қайтишимга рози эканингиз ва Наварра қасрини яхшилаб олишимга маблағ ажратганингизни тасдиқлади.

Сизнинг икки тарафлама саховатингиз, Давлатпанох, менинг катта ташвишларимни енгиллаштирди ва Сиз Ҳазрати Олийларининг бир мунча вақт жавоб бермаганингиз тугайли тугилган хавфсирашларимдан озод қилди. Энди Сиз мени бутунлай унутасиз деган фикр мени хавотирга солаётган эди, энди кўрдимк, бундай бўлмаяпти. Энди мен жудаям бахтсиз эмасман, лекин келажакда бахтли бўлишим ҳам даргумон. Шу ойнанинг охирида агар Ҳазрати Олийлари қарши бўлмасалар, Мальмэзонга жўнайман. Лекин Сизга шуни таъқидлашим лозимки, агар Навваррадаги қароргоҳ фақат менинсоғлигим эмас, менинг атрофимдаги одамларнинг ҳам соғлиги учун чинакамига яхшилаб олишни талаб қилмаганида, мен бунинг учусиз берган имтиёзлардан дарров фойдаланишга киришиб кетмасдим. Мен Мальмэзонда кўп вақт бўлмоқчи эмасман, тезда у ердан кетаман а даволаниш учун маъдан сувларига бораман. Ҳазрати олийлари амин бўлсинлаи, мен Мальмэзонда гўё Париждан минг қакиринарида бўлгандай яшайман.

Давлатпох, мен жуда катта курбон бердим, кун ўтган сайн, бу курбон нақадар катта бўлганлигикўпроқ хис қиляпман; лекин мен ўзим қилганим бу фидойликни охиригача етказаман. Сиз Хазрати Олийларинингбахти менинг қайгу-аламларим туфайли ҳеч қачон бузилмагай.

Мен ҳеч тиним билмай Сиз Хазрати Олийларига бахт тилайверама, эҳтимол яна бир сизни қўриш учун шундай қилаётгандирман; лекин Хазрати Олийлари амин бўлларки, мен ҳар доим сизнинг янги вазиятингизни чурқ этмай қадрлайман; менга аввалгй муносабатда бўлишингга қўз тутган холда, сиздан бунинг исботи учунҳеч нима талаб қилмайман; фақат сизнинг адолатингиздан умидворман.

Мен Хазрати Олийлари, сизнинг ёдингизда қичкина ўрин эгаллаганимни ва сизнинг ҳурматингиз ва севгингизда менинг мавқеим баланлигини менга ва менинг яқинларимга қўрсатиш учун ўз-ўзингизча бир йўл топишга ҳаракат қилишингизни илтимос қилган бўлардим. Нима бўла ҳам, бу – менинг қайгу-аламларимни юмашатади, айна чоғда менинг назаримда, сиз Хазрати Олийларининг бахтўгрисидан хаммасидқўпроқ ўйлашимга ҳалақит бермайди.

Наполеон тождан айрилиб Маъбуда Елена оролига сургун қилинганда малика Мария-Луиза эрининг етидан оролга беришни хохламади. Валевская оролга уни қўргани борди. Жозефина унга бир мактуб жўнатди.

ЖОЗЕФИНА — НАПОЛЕОНГА

Мақсадим тахтдан кетишиниз муносабати би сизга ҳамдардлик изҳор қилиш эмас; ўз тажрибамдан билаки, бундай аҳволга тан бериш мумкин; хаммасидан ҳам шон-шўҳрат соҳасидаги сафдошларингиздан ажралганингиз сизни қандай қайгу-аламларга ботиришини ўйлаб йиғлайман.

Оҳҳҳ! Сургун ақат майда қалб эгаларинигина қўрқитишни исбот қилиш учун мен жон-жон деб олдингизга ўқиб борн бўлардим. Бу бахтсизлик менинг сибегараз муҳаббатимни қамайтириш у ёқда турсин, аксинча унга яна янги қуч берди.

Мен Сизнинг кетингиздан эргашиб, Францияни ташлаб, сиз воз қечган, аммо қолган умрингиз ўзимни бахш этмоқчи эдим. Аммо биттагина сабаб мени тутиб қолди, у нималигини сиз ўйла тополмайсиз.

Агар бундай қни адо этаётган одам, ҳар қандай эҳтимоллардан ташқари, фақат мен, менинг бир ўзим бўлса – мени ҳеч нима ушлаб қолмай, мен бундан буён ер юзининг ўша ягона жойига жўнаб кетаман ва дунёнинг энг бахтли одами бўла оламан, бахтсизлик чоғида ўша ерда сизни юпатаман.

Алвидо, Давлатпанох, яна бош гапларниқўшиш менга ортиқча қўриняпти; энди сўзда эмас, амалда сизга муносабатимни исботлашим керак. Менга Сизнинг ризолигингиз керак.

Аммо Жозефина 1814 йилдаёқ вафот этди. Шу билан Наполеон – Жозефина қиссаси тугади.

Миразиз АЪЗАМ